
Данғара туманида аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, долзарб ва ечимини кутаётган муаммолар ўрганилмоқда

Республика ишчи гуруҳи Данғара туманида аҳоли кайфиятига салбий таъсир қилувчи омилларни ўрганиш, долзарб ва ечимини кутаётган муаммоларни хонадонбай, маҳаллабай ҳал этиш бўйича ишларни олиб бормоқда.

Ўрганишлар давомида Капасарой МФЙ ҳамда Кичик Турк МФЙ ахолисидан маҳалла кўчаларини шағаллаштириш бўйича билдирилган мурожаат ижрога қаратилиб маҳалла кўчаларида шағаллаштириш ишлари ташкилланди.

Шунингдек, Кичик Турк МФЙда “Обод маҳалла”, “Обод хонадон”, “Обод кўча” дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ўрганиб чиқилиб, хонадон томорқаларидан самарали фойдаланиш жараёни билан танишилди.

2024-05-07 19:20:48